

## **ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТДАН РИВОЖЛАНИШИ ВА ЗАМОНАВИЙ ХОЛАТИ**

**НОРКУЛОВ СУХРОБ ТУРАКУЛОВИЧ**

*Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги ўзининг темир йўлларига  
эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириши ва  
уларни қайта тайёрлаш маркази директори*

***E-mail: [sni.kor@bk.ru](mailto:sni.kor@bk.ru)***

**Аннотация.** Ушбу мақолада транспорт корхоналари иқтисодий жихатдан ривожланиши ва hozirgi кунда транспорт корхоналаринг замонавий ҳолати, унда амалга оширилаётган ишлар шунингдек фуқороларнинг ўз вақтида транспорт хизматига бўлган эҳтиёжларини қондириши, аҳолига сифатли ва арзон нархларда хизмат кўрсатишни таъминлаш жараёнларини янада такомиллаштиришида иқтисодий тадқиқотларининг натижалари кўриб чиқилган.

**Калим сўзлар:** Талаб ва таклиф, рақобат, иқтисодиёт, ривожланиши, логистика, транспорт.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрено экономическое развитие и современное состояние транспортных предприятий, проводимая в них работа, а также результаты экономических исследований по дальнейшему совершенствованию процессов свсовременного удовлетворения потребностей граждан в транспорте, предоставление качественных и недорогих услуг населению.

**Ключевые слова:** Спрос и предложение, конкуренция, экономика, развитие, логистика, транспорт.

**Abstract.** In this article, the economic development of transport enterprises and the modern state of transport enterprises, the work being carried out in them, as well as the results of economic research on the further improvement of the

*processes of satisfying the needs of citizens for timely transport services and providing high-quality and low-cost services to the population are considered in this article.*

**Key words:** *Supply and demand, competition, economy, development, logistics, transport.*

## **КИРИШ**

Транспорт хизматлари соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида транспорт соҳасини ривожлантириш бўйича қуйидаги аниқ вазифалар белгиланган: Тошкент шаҳри ва ҳудудларда жамоат транспорти тизимини такомиллаштириш ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш; шаҳарлараро ва шаҳар атрофи темир йўл қатновлари жозибадорлигини ошириш; транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобиль йўллари тармоғини жадал ривожлантириш; транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш<sup>1</sup>.

Эътироф этиш жоизки, транспорт вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси” юзасидан тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, барча манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда 2019 йил 4 сентябрда хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Ўз навбатида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 14 декабрь куни мазкур қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига келишиш ва тасдиқлаш учун киритган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 2 мартда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

тасдиқланган давлат дастурига мувофиқ Стратегия лойиҳаси 2030 йилгача ўзгартирилган. Иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришда хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, мамлакатлар ўз тараққиётининг турли босқичларида инвестициялар йўналтирилган ва турли имтиёзлар берилган муайян устувор тармоқларни танлашга таянадилар. Иқтисодий диверсификация асосида Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишини таъминлаш ва ички молиявий ресурслари чекланган шароитда унинг рақобатбардошлигини ошириш вазифасини инвестицияларни жалб этиш ва мавжуд маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича рағбатлантирувчи сиёсатни амалга оширмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Инвестициялар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади:

- макро даражада улар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан мувофиқлаштириш ва иқтисодиётнинг барча тармоқларини барқарор ривожланишини таъминлаш, инновацион сиёсатни амалга ошириш иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

- микро даражада эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш, унинг техник ва технологик жиҳатдан такомиллаштириш, асосий воситаларнинг маънавий ва жисмоний эскириб боришига йўл қўймаслик ҳамда атроф-муҳитга зарарли экологик таъсирини камайтиришни таъминлайди.

Сўнгги йилларда иқтисодиётни эркинлаштириш ва уни ташқи дунёга очиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хорижий ва миллий инвесторларнинг сармоя киритиши, янги бизнес яратиши, қўшимча даромад олиши учун янги имкониятлар яратмоқда.

Транспорт соҳасида инвестицион муҳитни ошириш бўйича ислохотлар.

Охирги йилларда транспорт соҳасида давлат монополиясини қисқартириш, соҳа ва корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш, давлат-хусусий шериклар, рақамлаштириш, ташқи савдони кенгайтиришда янги ташаббусларни қўллаш, халқаро транспорт логистика тизимларига аъзоликни кенгайтириб бориш каби мақсадли йўналишлар бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Транспорт соҳасида инвестицион жозибadorликни ошириш, инвесторлар сафини кенгайтириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатдор ҳамкорликни амалга оширишда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, логистика самарадорлиги индекси (ЛПИ) ни ўз ичига олган жаҳон банки томонидан юритилаётган логистика самарадорлиги индекси бўйича Ўзбекистон 99-ўринни эгаллади. Ҳисоботда 168 мамлакат ўрин олган бўлиб, мазкур индекс маҳаллий компанияларнинг миллий ва халқаро бозорларга чиқишни таъминловчи таъминот занжирларининг самарадорлигини ўлчайди. ЛПИ шунингдек, таъминот занжирларининг барқарорлиги, атроф-муҳитга таъсири ва малакали ишчиларга бўлган эҳтиёж каби ривожланаётган масалаларга ҳам эътибор қаратади. Индексни таркибий қисмлари бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон божхона тартиблари бўйича 140, инфратузилма бўйича 77, халқаро юклар бўйича эса 120-ўринни эгаллаган. Логистика сифати бўйича 88-ўрин, товарларни кузатиб бориш имкониятлари бўйича 90-ўрин, етказиб бериш муддатлари бўйича эса 91-ўринни эгаллаган.

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш бўйича фаол ва кескин чоралар кўрилмоқда. Халқаро майдонда мамлакат имиджини яхшилаш савдо, иқтисодиёт, инвестиция ва ижтимоий ривожланиш моделларини ишлаб чиқиш, етакчи халқаро таҳлилий ва илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, жаҳондаги бизнес уюшмалар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларидан биридир.

Транспорт соҳасида инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича амалга оширилаётган ташаббуслар. Транспорт соҳасидаги энг муҳим ислоҳотлардан бири транспорт хизматлари бозорини эркинлаштириш, давлат монополиясини ва чекловларни босқичма-босқич қисқартириб бориш, хорижий инвесторларга қулай шартларда давлат ва хусусий шериклик тамойиллари асосида йирик объектларни тақдим этиш каби йўналишларда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2020 йил 1 августдан хорижий авиакомпанияларга вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси халқаро аэропортларида бешинчи даражадаги “ҳаво эркинлиги”, “Навой” ва “Термиз” халқаро аэропортларида эса юк ташувчи авиакорхоналар учун еттинчи даражадаги “ҳаво эркинлиги”ни тақдим этувчи “Очиқ осмон” режими жорий этилиши потенциал инвесторларнинг юртимиздаги ҳаво ташувлари бозорига кириб келишига замин яратмоқда. Шунингдек, ҳудудий аэропортларни давлат-хусусий шериклик механизми доирасида халқаро талаблар асосида бошқарувга бериш бўйича лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган.

Транспорт соҳасида халқаро савдо операцияларини тезлаштириш учун чора-тадбирлар ташаббуслари ишлаб чиқилди. Экспорт ва импорт операциялари учун “ягона дарча” тамойили асосида ишлайдиган миллий онлайн портали ишга туширилди. Бунда исталган миқдор электрон сўровнома юбориш орқали барча турдаги рухсатномалар, товар келиб чиқиши сертификатлари ва фитосанитария сертификатларини олиш учун тўлов қилиш имконига эга бўлади. Ушбу янги механизмларни жорий этиш билан экспорт ҳужжатларини қайта ишлаш учун умумий вақт 174 соатдан 96 соатгача қисқартирилди.

### **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Илмий адабиётларда транспорт корхоналарида логистик жараёнларни ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш, бошқарув

жараёнларини моделлаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, хизматлар сифатини ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг самарадорлигини баҳолаш, самарадорликни ташкил этувчи сифатий ҳолатлар ўзгаришининг айрим жиҳатлари илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Испаниялик олимлар А.Ж.М.Сесо ва Ж.Н.Г.Гонсалвесларнинг “The quality of public transport: relative importance of different performance indicators and their potential to explain modal choice” номли илмий тадқиқотларида жамоат транспорти тизимлари сифатини баҳолашнинг аҳамияти, шаҳар жамоат транспорти тизимларини тавсифлаш, сифатни баҳолаш, ишлаш кўрсаткичлари, ишлаш кўрсаткичларининг ҳилма-хиллиги, жамоат транспортидаги энг муҳим кўрсаткичлар, шаҳар жамоат транспорти фаолиятининг кўрсаткичлари учун типик қийматларни илмий асослаб берган [3].

Португалиялик Joao Figueira de Sousa, Anna Ibraevalar “Marketing of public transport and public transport information provision” номли илмий мақолаларида жамоат транспортига нарх ва сифат кўрсаткичларини ўзгариши эвазига улардан фойдаланиш кўрсаткичлари ўзгариш тенденцияларини тадқиқ қилганлар [4].

Россиялик бир қатор олимлар Бранислав Раднович, Раденко Марик, Владана Раднович, Милена Илик, Драган Лукачлар ўзларининг “Marketing research on passenger satisfaction with public transport service in the city of Belgrade” номли илмий мақолаларида ҳайдовчиларнинг ҳулқ-атворлари, йўналишлар тўғрисидаги маълумотлар, транспорт воситалари сифати, йўналишлардаги вақт жадваллари каби омилларни ҳамда корреляцион ва регрессион таҳлиллардан келиб чиққан гипотезаларни ўрганганлар [5].

Россиялик олим Ю.В. Якутин ўзининг “Особенности маркетинговых услуг в сфере транспортной логистики” номли ўз илмий мақоласида транспорт хўжалигида бошқарув, иқтисодий, логистик, хизмат кўрсатиш,

тариф сиёсатини амалга ошириш каби ўз илмий қарашларини ёритиб берган [6].

Т.В. Коновалова ва С.Л.Надирян россиялик олимларнинг “Особенности маркетинговых исследований на рынке пассажирских перевозок по заказам в регионе” илмий ишларида транспорт корхоналари интернет ресурсларидан фойдаланиш орқали кўроқ самарадорликка эришиши ва маркетинг тадқиқотларини иккита метод орқали тадқиқ этиш назарияларини илгари сурганлар [7].

Яна бир россиялик олим И.А.Морозова “Маркетинговое обеспечение развития инфраструктуры рынка транспортных услуг” номли илмий ишида транспорт инфратузилмаси самарадорлиги, транспорт хизматлари бозори фаолиятининг жаҳон ва маҳаллий тажрибаларини ўрганиб кўп факторли таҳлил усулидан фойдаланиб транспорт хизматлари бозорини баҳолаган ва маркетингни баҳолаш моделларини ишлаб чиққан [8].

Халқаро ва маҳаллий олимларнинг олиб борган тадқиқотларини ўрганиш жараёнида транспорт корхоналари маркетинг тамойилларига замонавий инновацион методларни жорий қилиш ҳамда мавжудларига қисман ўзгартиришлар киритиш лозимлигини кўрсатмоқда. Ушбу илмий мақолада маркетинг тадқиқотларини олиб боришда асосан ёловчи истак-ҳоҳишларини кўпроқ инобатга олиш жараёнлари ёритиб берилган.

### **ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.**

Тадқиқот жараёнида Транспорт тизимидаги инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши пандемия шароитида инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилишига жиддий тўсиқлар ва хавф солганига қарамасдан жорий йилнинг январь-июнь ойларида режалаштирилган лойиҳалар бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан 2020 йил январь-июнь ойлари якунлари бўйича қуйидаги лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланди.

Ҳозирги вақтда мутахассислар логистика ривожланиш стратегияси ва LPI

рейтингини ошириш чораларини ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар. Айни пайтда темир йўл тармоғининг йирик станциялари ва узелларига ташриф буюриб, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг логистика салоҳиятини ўрганиш ишларининг дастлабки босқичлари амалга оширилди. Бундан ташқари, "DB Engineering & Consulting GmbH" (Германия) компанияси билан қуйидаги йўналишларда ишлар режалаштирилган:

1. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг транспорт бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, молиявий барқарорлигини ошириш;
2. Темир йўл транспорти самарадорлигини ошириш, тариф сиёсатини такомиллаштириш, юк ташишни ривожлантириш;
3. Транспорт ва логистика хизматларини такомиллаштириш, инвестицияларни жалб қилиш, давлат-хусусий шерикчилик (ГЧП) механизмини жорий этиш масалаларини ўрганиш;
4. Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини рақамлаштириш даражасини ошириш;
5. Йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш.

"DB Engineering & Consulting GmbH" компанияси билан тузилган шартнома асосида "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун "Йўл харитаси" тайёрланиб, "DB Engineering & Consulting GmbH" компанияси билан келишилди. Шунингдек, 2022 йилнинг 7 май куни "DB Engineering & Consulting GmbH" компанияси раҳбарияти билан видеоконференция форматида, 12 май куни Транспорт вазирлигида "DB Engineering & Consulting GmbH" компаниясининг масъул ходимлари иштирокида "Йўл харитаси"даги масалалар юзасидан музокаралар олиб борилди ҳамда ишларни жадаллаштириш бўйича 19-26 май кунлари ҳисобот учрашуви ўтказилди.

### **1-жадвал**

### **Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва транспорт хизматлари**



ҳажми<sup>2</sup>

Кўрсаткичлар	2019	2020	2021
	й.	й.	й.
Хизматлар – жами, млрд. сўм	190 352	218 853	283 301
Шу жамладан:			
Транспорт хизматлари, млрд. сўм	53 576	53 772	67 418
Транспорт хизматларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши, %	28,1	24,6	23,8


1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматларнинг умумий ҳажми ва шу жумладан транспорт хизматларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биринчидан, хизматлар соҳасини ривожланиб бораётганлигидан далолат беради; иккинчидан, транспорт хизматларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2021 йилларда республикада транспорт хизматларининг жами хизматлар ҳажмидаги улуши пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, транспорт хизматларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Эътироф этиш жоизки, республикада транспорт тармоғи таркибида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти муҳим ўрин тутади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикада, умумий юк ҳажмида умумфойдаланиш автомобиль транспорти корхоналари томонидан ташилаётган юк ҳажми улуши йилдан йилга камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

<sup>2</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

Уларнинг ўрнини асосий рақобатчи сифатида хусусий ва якка тартибдаги ташувчилар эгаллаб бормоқда. Улар ихтиёридаги транспорт воситалари сони умумфойдаланиш автомобиль транспорти корхоналарига нисбатан икки баробарга ортиб кетган. Бунинг асосий сабаби бўлиб, тармоқ корхоналари автомобиль паркиннг асосий қисмини ўртача юк кўтариш қобилиятига эга универсал автомобиль транспорти воситалари ташкил этади ва бугунги кунга



келиб бундай автомобиллар хизматига тижорат талаби пасайиб бормоқда.

### **1-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати, фоизда<sup>3</sup>**


1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, республикада 2019-2021 йилларда транспорт хизматлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари кузатилган. Айниқса, 2021 йилда ушбу ўсиш суръати жуда юқори бўлган. Бу эса, транспорт хизматларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўз навбатида, транспорт хизматлари ҳажмининг юқори ўсиш суръатларига эга эканлиги юк ташиш ва одамларни ташиш ҳажмини параллель равишда ўсаётганлиги билан изоҳланади. Хусусан, ишлаб чиқариш ҳажмини

<sup>3</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

коронавирус пандемиясидан кейинги даврда тикланаётганлиги, ички туризмни ривожланаётганлиги транспорт хизматлари ҳажмини ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

Бироқ, транспорт логистикаси нуқтаи-назаридан Ўзбекистон ноқулай жойлашган. Дунёда сув йўлига чиқиш учун камида иккита давлатни худудини босиб ўтадиган атиги иккита давлат мавжуд – Ўзбекистон ва Лихтенштейн.



Сув транспорти эса, дунёда энг арзон транспорт ҳисобланади.

## **2-расм. Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, фоизда<sup>4</sup>**

2-расм маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида транспорт хизматлари ичида энг юқори салмоқни автомобиль транспорти эгаллайди. Ундан кейинги ўринларни эса, қувур транспорти ва темир йўл транспорти эгаллайди.

Улар асосан автомобиль транспорти тизимида фаолият юритиб, транспорт-логистика хизматлари кўрсатишда уларнинг улуши сезиларли даражада ортганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Бу каби корхоналар сонининг ошиб бориши билан рақобат кураши кучайиб, хизмат кўрсатиш сифати ортиб

<sup>4</sup> Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

бормоқда.

Сўнгги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини изчиллик билан амалга оширилаётганлиги уларнинг транспорт тизимидаги фаолиятининг ривожланишига ҳам замин яратади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жадал ривожланишини таъминлаш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли “Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Хусусан, мазкур Қарорда 885 минг километрлик темир йўллари электрлаштириш, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпаниясининг паркини тубдан янгилаш, Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача, Қаршидан Шаҳрисабзгача бўлган йўналишларда қарийб 2700 километрлик автомобиль йўллари қуриш ва қайта қуриш каби аниқ вазифалар белгиланган<sup>5</sup>.

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Транспорт корхоналарида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли “Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарори. Қонунчиликдаги ўзгаришлар. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).  
[www.pedagoqlar.uz](http://www.pedagoqlar.uz)

деб ҳисоблаймиз:

Аҳоли ўртасида иқтисодий тадқиқотларини амалга ошириш зарур яъни турли хилдаги сўровномалар олиб борилиши лозим, мисол учун,

1. Сиз нима учун жамоат транспортдан фойдаланишни маъқул кўрсиз?
  2. Жамоат транспортда сифатли хизмат кўрсатилса жамоат транспортдан фойдаланармидингиз?
  3. Жамоат транспортининг қандай хусусиятлари сизга ёқмайди, қандай қулайликлар яратилишини ҳоҳлардингиз?
  4. Нима учун шахсий автомобилнингиздан фойдаланасиз?
  5. Таксиларнинг жамоат транспортдан афзаллик томонлари нимада деб ўйлайсиз?
- Транспорт корхоналарида паркдан фойдаланиш коэффициентини ошириш;
  - Ҳар бир транспорт тури учун сарфланаётган жорий ва доимий харажатларни рақамлаштириш (дастурга тушириш);
  - Ҳайдовчи ва чиптачиларнинг кунлик тушумга бўладиган бевосита алоқасини йўқотиш;
  - Харакатланиш жараёнларидаги барча ҳолатларни дастурлаш, автоматлаштириш;
  - Ҳар бир транспорт турининг реклама қилиш имкониятларидан тўлиқ равишда фойдаланишни йўлга қўйиш;
  - Корхоналар бренди ва имиджини ривожлантириш;
  - Ноқонуний шахсий автомобиллардай ўловчи ташиш жараёнларини йўқ қилиш;
  - Ўловчи оқими ҳолатларига нисбатан автобусларни ҳаракатланишини йўлга қўйиш;
  - Бекатларни замонавийлаштириш ва бошқа шунга ўхшаш муҳим ҳисобланган бир нечта факторларга эътибор қаратиш лозим Шундай қилиб,

транспорт хизматлари бозорида логистик жараёнларни, бошқарув стратегияларини, иқтисодий тадқиқотларини тўғри йўлга қўйиш транспорт корхонасининг ўз олдига қўйган мақсадлари, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилишига хизмат қилади. Транспорт соҳасидаги муаммоларни мувоффақиятли ҳал этиш кўп жihatдан транспортни бошқаришнинг ягона логистик тизими доирасида логистика ва иқтисодий усулларини синтез қилиш билан амалга оширилади. Олинган иқтисодий маълумотлари талаб параметрлари бўйича амалга оширилиб борилишини таъминлаш, замонавий технологияларни жорий қилиш ва уларни амалиётда қўллай олиш учун шу соҳада фаолият олиб бораётган таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//[www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли “Мамлакатимизда транспорт-коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарори. Қонунчиликдаги ўзгаришлар. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
3. Branislav R., Radenko M., Vladana R., Milena I., Dragan L. Marketing research on passenger satisfaction with public transport service in the city of Belgrade. *Traffic&transportation*. 2015. 47 p.
4. Якутин Ю.В., Курбатов О.Н. Особенности маркетинговых услуг в сфере транспортной логистики. *Transport Business in Russia*. 2010. 15 p.
5. Коновалова Т.В., Надирян С.Л., Миронова М.П., Миронова Ю.П. Особенности маркетинговых исследований на рынке пассажирских перевозок по заказам в регионе. *Отраслевые научные и прикладные исследования: Строительство, Транспорт*. 2015. 89 с.
6. Морозова И.А. Маркетинговое обеспечение развития инфраструктуры рынка транспортных услуг. автореферат дисс.
7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти.
9. <https://mintrans.uz> - Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг расмий веб-сайти.